

Turkiston

1925-yildan chiqa
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 2-iyul, chorshanba
№ 52 (15794)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИННИГ ЙИГИРМА УЧ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Шу кунларда халқимиз Ватанимизнинг шонли тарихидаги буюк ва ўчмас санани — Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрмоқда. Ана шу улуғ айёми муносиб кутиб олиш ва ўтказиш мақсадида бугунги кунда олиб бораётган маънавий-маърифий фаолиятимизнинг асосий маъно-мазмунини аввало биз танлаган тараққёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётйи йўл эканини, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида биз эришган ютуқ ва мэрраларнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ахолиси ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, уларнинг қадр-қимматини чукур англаш ташкил этиши даркор.

Шулар қаторида Ўзбекистонимиз барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани, қўлга киритган улкан натижаларини чукур англаш ташкил этиши даркор.

Республика комиссияси бир ҳафта муддатда «Ягонасан, мұқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга баҳшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу

донда обрў-эътибори ортиб, ўзига муносиб ўрин эгаллаб олаётганини кенг ёритиш, бу ютуқларнинг асосий омили ва мезонини биринчи навбатда халқимизнинг дунёқариши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганида кўриш, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳар томонлама асослаб бериш ва бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур.

Шу муносабат билан:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Республика комиссияси бир ҳафта муддатда «Ягонасан, мұқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга баҳшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу

фояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» ва «Махалла» жамғармалари Мустақиллик байрамининг йигирма уч йиллигини юксак савида нишонлаш учун жойларда худудий комиссиялар тузиш, Республика дастурдан ўрин оладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

3. Мазкур дастурни тузишда куйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилсин:

тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда «Ким эдигу ким бўлдик?» деган ҳаётйи ҳақиқатни асосий ва бош гоя сифатида белгилаш;

(Давоми 2-саҳифада)

ДАВЛАТИМИЗ ҚУДРАТИ ВА ҲУРЛИГИМИЗ РАМЗИ

2 июль – Ўзбекистон Республикаси
Давлат герби қабул қилинган кун

Давлат рамзлари эл-юртнинг ҳурлиги, миллий фурур ва менталитети, шонли тарихи, маънавий-маддий бойлиги, урф-одат ва анъаналари, буюк мақсад ва эзгу орзу-интилишларини ўзида акс эттиради.

Истиқололга эришгач, мамлакатимиз ҳам ўз давлат рамзларига эга бўлди. Бугун Ўзбекистон ўз Байроғи, Герби, Мадҳияси ва Валютасига эга.

Давлатимиз гербидаги халқимизнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз аксини топган. Ўнда тасвирланган гуллабан водий узра нур сочаётган офтоб серкүёш юртимизга, ундаги обод манзилларга ишора. Баланд тоглар оралаб оқаётган дарёлар – ҳаёт боқийлиги тимсоли бўлса, гербнинг сўл томонидаги буғдор бошоқлари халқимизнинг ризк-рўзи бутунлигидан, ўнг томонидаги қийғос



очилган фўза ифодаланган чамбар халқимизнинг оппоқ орзулари, эзгу ниятларидан далолатdir. Гербнинг юкори қисмida элу юртимиз жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган.

(Давоми 2-саҳифада)



Рустам Назарматов олган сурат

Navqiron avlod so'zi

БУГУНГИ НАТИЖА – ЭРТАНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР ДЕБОЧАСИ

Барча соҳа вакиллари каби журналист ҳам ҳалқ дарди билан яшайди. Шу боис, «журналист умрининг ярми элники, ярми ўйленини» дейди кўпни кўрган устозларимиз. Мен ҳам ана шу соҳанинг бир томчиси эканлигимдан чексиз ифтихор туюман.

Бу фаҳр бугун дунёning ривожланган давлатлари қаторида турган она юртимиздаги тараққиёт сабаб янада мустаҳкам. Айниқса, мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз эркинligини таъминлаш, ОАВнинг моддий-техник базасини бойитиши ва фаол журналистларни рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар биз сингари ёшларга имконият эшиклини янада кенгроқ очмоқда. Қалам ахли учун нуфузли тадбирлардан бири ҳисобланган «Илнинг энг фаол журналисти» кўрик-танловининг республика босқичида эътибор ва рағбатга муносиб деб топилганим ана шу имкониятларнинг бир намунаси сифатида қалбимда мухрланди.

Президентимизнинг 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунидаги йўллаган табриклари мен ва менинг касбдошларимни янада тўлқинлантириди. Юрбошимиз ўз табриклирида айтганларидек, буғунги мураккаб ва қалтис

ларни тарғиб этувчи, юзга яқин ижтимоий-сиёсий, танқидий-таҳлилий мавзулардаги кўрсатувларим эфир юзини кўрди. «Текиними, тўкиними?», «Синалмаганнинг сиртидан ўтма», «Уя(т)ли телефон ўкувчига керакми?», «Сумалак сайли», «Тақиқларни тарқ этдинг ўзинг» сингари бир қатор мақолаларим республика ва вилоят нашрларида чоп этилган. Ёшлар билан «Оммавий маданият», «Бир таҳдидга беш зарба», «Соғлом турмуш тарафдоримиз» сингари мавзуларда ўтиздан ортиқ «Ток шоу» ва учрашувлар ўтказдим.

Бугунги муваффакият менга эртанги юксак парвозлар учун мустаҳкам қанот тутди. Шу лаҳзаларда қалбимдаги Ватанга муҳаббат, масъулият хисси билан уйғун ҳолда тўлқинланмоқда. Соҳадаги тетапояларимиз рағбатга муносиб топилганидан миннатдорман. Мақсадим, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги, миллатлар бирдамлигини таъминлашга ўз хиссамни қўшиш, миллий қадрияти ва анъаналаримиз жилосини жаҳон саҳнига олиб чиқаман. Токи унинг жилласидан дунё ҳайратда қолсин!

Дилдора КАТТАЕВА,
«Илнинг энг фаол журналисти – 2013»
республика танлови
ғолиби

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИННИГ ЙИГИРМА УЧ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми, аввали
1-саҳифада)**

мамлакатимизнинг ўтган аср охирида кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолган, ахолининг ҳаёт даражаси бўйича собиқ СССРда энг охирги ўринлардан бирини эгаллаган, пахта яккаҳокимилиги ҳалокатли тус олган, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, қолоқ аграр республикадан бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланганини очиб бериш. Бунинг тасдиғини мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар, ахолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 карра ошгани, кейинги 9 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани ва бошқа шу каби рақам ва кўрсаткичлар мисолида қиёсий таҳлиллар орқали кўрсатиш;

юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, ахолимизнинг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, намунивий лойиҳалар асосида уйжойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини ёритиш;

ҳеч шубҳасиз, вақт ўтиши билан тобора ёрқин намоён бўлаётган, биз биринчилар каторида амалга оширган ва давом эттираётган, дунёда катта қизиқиш ўйготаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълими-

ни ривожлантириш умуммиллий дастури, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия соҳасига энг устувор аҳамият берганимиз мамлакатимизнинг катта суръатлар билан барқарор ривож топишида ва юртимизнинг дадил қадамлар билан илгарилаб боришида мустаҳкам фундамент яратиб берганига алоҳида эътибор қаратиш;

биз учун ўта муҳим бўлган соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида кўлга киритган ютуқ ва мэрраларимизнинг ҳаётий омилларини очиб бериш;

мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг хукуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, қобилият ва истеъодини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, айниқса, қиз болаларни замонавий билим ва қасб-хунарларни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун амалга оширилаётган кенг кўламли ишларимизни ҳаётий ва таъсирчан мисолларда ифода этиш;

буғун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали ва қалтис замонда, ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик осойишталикни кўз қорачиғидек сақлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини чукур акс эттириш;

Ўзбекистоннинг ҳалқаро майдонда олиб бораётган, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан дўстона алоқалар, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратиган ташки сиёсатини, дунёning турли минтақаларида юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни фататгина сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этиш бўйича ёндашув ва қарашларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш;

юқорида баён этилган бекиёс натижалар, Ватанимизнинг изчил ва барқарор тараққиёти негизида турган асосий омил ва мезонларни очиб бериш амалга ошириладиган барча ахборот-информацион ишларимизда, маънавий-маърифий учрашув ва мулоқотларда, жонли сұхбатларда катта ўрин тутиши лозим. Ушбу қарорнинг кириш қисмида қайд этилган фикр ва ғояларни чукур маъноли, шу билан бирга, содда тилда ёритиш, одамларнинг қалби ва онгига сингдириш бу борада алоҳида аҳамият касб этиши табиийdir.

Мухтасар айтганда, биз мустақиллик йилларида қандай оғир ва машақатли синовлардан ўтиб, мисли қўрилмаган ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси замарида фақатгина ҳалқимизнинг фидойи меҳнати, чидамлилиги, олижаноблиги ва бағрикенлиги, матонати ва жасорати, эртанги кунга мустаҳкам ишончи мужассам эканини теран акс эттириш зарур.

4. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлиб

аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва сұхбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таникли олимлар, адиллар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансан.

5. Республика комиссияси ўз йигилишларида белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсинг.

6. Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган мутахассислар — сценарист ва режиссёrlар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъоддли ёш санъаткорлар вакилларидан иборат иходий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирилиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлонини тараннум этишига қаратиган энг яхши қўшиқлар, мусиқа асарлари учун «Ягонасан, муқаддас Ватан!» анъанавий республика танловининг якуний босқичини ўтказсан. Танлов голиблари ва совриндорла-

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри,

2014 йил 1 юль

И.КАРИМОВ

ДАВЛАТИМИЗ ҚУДРАТИ ВА ҲУРЛИГИМИЗ РАМЗИ

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

Гербимиз марказида бахт ва олижаноблик тимсоли бўлган афсонавий Хумо куши қанотларини ёзиб, парвозга шайланиб турибди. Бу ҳалқимизга хос эзгу орзу-умидлар ифодасидир. Зоро, элимиз Хумони азалазалдан бахт куши сифатида тасаввур этиб келган.

Гербимиздаги ушбу рамз ва тимсоллар ҳалқимизнинг тинчлик, эзгулик, бахт-саодат, тўкинлик, фаровонлик каби орзу-умидларини ўзида намоён этади. Гербнинг пастки қисмидаги давлатимиз байробини ифодаловчи чамбар бандига зарҳал ҳарфлар билан «Ўзбекистон» сўзи битилган.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1992 йил 2 юнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»-

ги тарихий қонунда белгиланганидек, Давлат герби Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Махкамаси, вазирликлар, ҳокимликлар, қўмиталар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари бинолари, чет эллардаги мамлакатимиз дипломатик ваколатхоналари ва консуллик мусасаларининг пештоқида ўрнатилган. Республикализ давлат чегараларидағи давлат герби барчамизга фурӯрифтихор бағишлиайди. Ватан остоносидаги давлатимиз рамзини кўриб, беихтиёр қалбимиз энтиқади, муқаддас заминимизга бўлган меҳр-муҳабатимиз янада ошади.

Давлат герби тасвири ҳар биримизнинг мана шу саҳоватли замин фарзанди, ушбу озод юрт фуқароси эканимизни тасдиқловчи фуқаролик паспортида ҳам акс эттирилган.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги қонунда мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда истиқомат қиласидиган барча шахслар давлатимиз гербини ҳурмат қилишлари шарт экани белгилаб кўйилган.

Давлат рамзлари муқаддасдир. 2010 йил 24 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айrim қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариши ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги»ги қонунга мувоғик, давлатимиз рамзларидан фойдаланиш қондлари янада такомиллаштирилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси давлат гербининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалари киритилишига йўл кўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқариладиган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат гербига ўхшаш бўлиши мумкин эмас.

Ха, мустақил Ватанимизнинг Давлат герби улкан фоявий-тарбиявий аҳамиятга молик тимсол сифатида барчамиз учун кадрли ва муқаддасдир. Уни ҳар сафар кўрганимизда шундай бетакор, ҳеч кимдан кам бўлмаган қудратли мамлакатда яшатётганимиздан фахр-ифтихор туйгуларини хис этамиз.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА шархловчиси**

Yoz — o'tmoqda soz!

ҚУВНОҚЛИК ҲАМРОҲИМИЗ

Ёз кимга қанақа билмадиг-у, аммо болажонлар учун зўр мавсум. Қорақалпогистонлик болалар учун ҳам ёз эсда қоларли, таассуротларга бой ўтаётир. Бундай дейшишимизга асос — Нукус шаҳри ва туманларда фаолият кўрсатамётган дам олиш оромгоҳларидир.

Жорий йил ўттиз битта оромгоҳда 10190 нафар бола дам олиши режалаштирилган бўлиб, бугунга қадар биринчи ва иккинчи мавсумларда 5085 нафар бола мароқли ҳордик чиқарди. Шунингдек, академик лицей ва касб-хунар коллежлари қошларида ташкил этилган ўн бешта дам олиш масканлари эса 1445 нафар болани ўз бағрига

олди. Яқинда йигирма тўртта, яъни олтита кундузги, ўн саккизта согломлаштириш оромгоҳларига 2455 нафар бола учинчи мавсумда дам олиш учун келди ва улар тантанали равишда кутиб олинди.

— Бу йил болаларнинг ёзги дам олишини мазмунли ўтказиш учун йигирмата кундузги, олтмишта стационар оромгоҳларни ташкил этганимиз, — дей-

ди Қорақалпогистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Қенгашши етакчи мутахассиси Женгисбай Аяпов. — Шунингдек, дам олиш масканларида турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказаяпмиз. Ҳар мавсумнинг охирги икки — «Касаба уюшмалари куни»да «Алломиш авлодлари» спорт мусобабақалари бўлиб ўтмоқда. Унда болалар нафакат спорт билан шуғулланади, балки бўш вактини мароқли ўтказади ҳам.

1 июль куни Тўрткўлдаги «Лочин» оромгоҳига учинчи мавсумда 160 нафар бола дам олганни узоқ-яқин шаҳар, туманлардан этиб келди. Оромгоҳ директори Рашид Сабуров болаларни ажойиб дам олиш мас-

канига «вактимизни чоғ ўтказамиз», дея ишонч билан келганлари учун ташаккур айтди ва оромгоҳда юратилган имкониятлар билан танишиди.

— Бу ерда мазмунли дам олишингиз учун шарт-шароитлар етарли, — дейди у. — Беш маҳал иссиқ овқат берилади. Бой кутубхона, спорт тўгараклари сиз, болажонларнинг куну тун хизматингизда. Эртадан бошлаб «Экология ва биз», «Биз гиёхандликка қаршишимиз!», «Камалак» юлдузлари, асфальтга расм чизиш каби танлов, мусобабақалар бошланади. Ишонамизки, сиз билан вақтимиз чоғ ўтади...

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» муҳбири**

МАДАНИЙ ХОРДИК

Бу йилги ёз мавсумида Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз, Китоб, Яккабог туманларида ўн тўққизта болалар согломлаштириш оромгоҳи фаолият кўрсатмоқда. Ушбу оромгоҳларга келган болалар ҳар бир мавсумда ўн икки кун дам олади. Улар учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман ва шаҳар кенгашлари доимий тарзда маданий-маърифий, спорт согломлаштириш тадбирларини ўтказиб келяпти.

Шунингдек, Ҳаракатнинг Китоб, Шаҳрисабз, Яккабог туман кенгашлари оромгоҳларда «Камалак» болалар ташкилоти сардорлар кенгаши фаолиятини йўлга кўйди. Улар иштирокида Шаҳрисабз туманидаги «В. Бердиев», «Гулистон», «Гулнора», «Зебунисо» болалар согломлаштириш оромгоҳларида «Камолот» ва «Камалак» кунлари ташкил этилди. Унинг доирасида болаларнинг мазмунли дам олишлари учун турли хил кўнгилочар тадбирлар, спорт мусобабақалари, «Сиз «Камалак»ни биласизми?» викторина савол-жавоблари, интерфаол ўйинлар ва давра сухбатлари ўтказилди.

Ҳаракатнинг ҳар бир туман ва шаҳар кенгашлари вилоядта мавжуд оромгоҳларга бириклирилган. Биринчи мавсумда Ҳаракатнинг Яккабог, Шаҳрисабз, Китоб, Дехқонобод, Нишон, Миришкор туман кенгашлари «Ниҳол», «Соҳибқирон», «Бинокор», «Зиё чашмаси», «Беруний» оромгоҳларида бўлиб, турли қизиқарли тадбирлар уюштириши.

Бундан ташқари, Ҳаракатнинг вилоят кенгаши қошида айнан оромгоҳларда тарбияланувчилар учун маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун иккита гурӯҳ ташкил этилган. Шунингдек, оромгоҳларда гурӯҳ етакчиси сифатида фаолият олиб боришини истаган Қарши давлат университети талабалари Ҳаракатнинг вилоят кенгаши қошида ўқитилиб, етарли малакага эга бўлишларига кўмаклашилмоқда. Биринчи мавсумда саксон тўрт нафар талаба ўқитилиган бўлса, иккинчи мавсум учун етмиш нафар талаба махсус сертификатга эга бўлди.

Жорий йилда Ҳаракат кам таъминланган ва боқувчинини йўқотган оила фарзандларининг ёзги оромгоҳларда мароқли дам олишлари учун бепул йўлланмалар берди.

**Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» муҳбири**



МАҚСАД — БОЛАЖОНЛАР ЯХШИ ДАМ ОЛСИН

Мамлакатимизда ҳар сафар ўқув йили якунланини билан болаларни ёзги оромгоҳларда согломлаштириши, ұлағнинг маданий ҳордик чиқарашлари, димиш ва кўнгилмаларини ошириши мақсадида мавсумий чора-тадбифлар амалга ошириб келинади. Зоро, табтилнинг мароқли ҳамда мазмунли ўтиши юртимиз фарзандларининг нафбатдаги ўқув йилида эршишажак мувваффакиятлари, күч-тайдатлари гаровиди.

Жажжи болажонларнинг энг севимли мавсуми бўлган ёз фасли дам олиш масканлари ва болалар оромгоҳларининг фаолияти билан янада мароқли. Айниқса, мактаболди оромгоҳларининг ташкил этилгани шу ўшдаги ўғил-қизлар учун ёзги таътилнинг самарали ўтишида муҳим омил бўлаётir. Биргина Навоий вилоятида мазкур мавсумда 119 та ана шундай мусассасалар фаолият юритмоқда.

Уч минг йиллик тарихга эга бўлган Нуротада «Соғлом бола йили» муносабати билан «Ижодий маҳорат» кунлари бўлиб ўтди. Унда Давлат мукофоти совриндорлари, вилоядтаги фаол педагоглар иштирок этди. Тадбир доирасида тумандаги «Шодлик» болалар оромгоҳида «Ёз — болажонларнинг севимли даври» мавзууда ўқув-семинари ўтказилди. Унда мактаб ёшидаги болаларнинг мактаболди оромгоҳларига жалб этилгани, шу йўналишда олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилиб, ўқувчиларнинг стационар оромгоҳларга қатнови тўғрисида маълумотлар берилди.

Анжуман тумандаги 27-умумтаълим мактабида «Мўъжизакор кўллар» руҳни остидаги энг яхши кўргазма куроллари ва методик маҳсулотлар намоиши билан давом этди. Семинарда иш фаолияти оммалаштирилишга тавсия этилган устоз-мурабибларининг «Дарс таҳлили — таълим сифатини ошириш омили», «Фаол, ижодкор, зукко бўлинг», «Сиз инглиз тилини биласизми?» сингари мавзууларда ўтказган амалий машгуллари ўшлар учун маҳорат мактаби бўлди, десак янгишмаймиз.

— Дарс жараёнларида «Ҳамкорликда ишлаш», «Дидактик ўйин», муаммоли ва модули таълим усулларидан фойдаланишни афзал деб биламан. Бу технология болага фанни осон узлаштиришга ёрдам беради. Айни усулларни болалар оромгоҳларидаги ҳам оммалаштириш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Чунки фарзандларимизга бу масканларда хунармандчилик сирлари ўргатилиб, яхши китобхонлик кўнгималари шакллантирилади. Уларнинг шу сайд-ҳаракатларга муносиб жавоб беришлари, аввало, тўғарак раҳбарларининг жалб қила олиш маҳоратига ҳам боғлиқ, — дейди Нурота туманидаги 27-мактаб ўқитувчиси Махфуза Ҳайдарова.

Фарзанд камолоти буғунги ислоҳотларнинг асосий мақсадини ташкил этмоқда. Болалар дам олиш оромгоҳларининг кун сайн кўлами кенгайиб, шароитлари халқаро стандартларга тенглаштирилаётганида ҳам ана шу моҳият мушкассам.

Дилдора КАТТАЕВА

«Камолот» hududi

Ҳаракатнинг Хоразм вилояти кенгаши Урганч шаҳридаги «Ёшлар кўли» дам олиш масканда «Биз соглом турмуш тарзи тарафдоримиз!» шиори остида саломатлик акциясини ўтказди. Лойиҳа ёшлар ўртасида соглом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ОИВ/ОИТС касаллиги, гиёхандлик, ичкиликбозлик ва кашандалик иллатларидан оғоҳ этишига қаратилган.

Акцияда тўрт юз нафардан ортиқ йигит-қиз қатнашди. «Ёшлар кўли» худудида бир вақтнинг ўзида етти йўналишдаги тадбирлар ташкил қилинди.

Масалан, «Сиз биз билан биргами сиз?» лойиҳасида акция иштирокчиларидан тузилган ўзига хос саломатлик поезди ўнта рамзий бекатда тўхтаб ўтиши керак эди. Бекатларда ёшларни «Камолот» фаоллари ва «Камалак» сардорлари соглом турмуш тарзига доир саволлар билан кутиб олишди. Бундан ташқари, ҳар бир «йўловчи»дан бирон спорт туридан маҳоратни намоён этиш талаб қилинди. Натижалар йўл варакасига қайд этиб борилди. Охирида юқори балл тўплаган иштирокчиларга «Камолот» ЁИХ вилоят кенгашининг совғалари топширилди.

«Биз гиёхандликка қарши миз!» мавзудаги асфальтга расм чизиш танловида туман ва шаҳарлардан 85 нафар мактаб ўкувчиси ижодий қобилиятини ишга солди. Голиблар «Энг қизиқарли расм», «Энг иқтидорли иштирокчи», «Энг ёрқин ранглар муаллифи» номинациялари бўйича тақдирланди.

Урганч санъат коллеки ўкувчилари эса гиёхандликка бўлган муносабатини саҳна кўринишлари орқали ифода этдилар. Шунингдек, барча ёшлар гиёхандлик ва унинг оқибатлари тўғрисида мутахассис маслаҳатини олиш имконига эга бўлдилар. Шу мақсадда акцияга вилоят саломатлик институти ходимлари жалб этилди.

Кун давомида «Ёшлар кўли»га ташриф буюрган кишилар фольклор жамоалири, эстрада хонандалари ва ёш спортчиларнинг чиқиширидан баҳраманд бўлди.

Шахло САФАШЕВА

КОМПЬЮТЕРДАН ҚОЧ, БОЛАКАЙ!

Техника ва технологиялар асрига ямар эканмиз, ахборот Воситаларининг истеъмолчига қай жижатдан таъсир ўтказими хакида жиддий Бон қотиришига тўғри келади. Зоро, жадал глобаллашув шароитига Бундай таъсир оқибатига, айтмайлик, ёй авлоднинг Баркамол ўсими ва ривожланини, айниқса, тарбияси да сезиларли нуқсонлар юзага келини тумкин. Хўи, замонавий ахборот технологиялари ва улар етказадиган улкан ахборот оқими айнан Болалар онги ва организмига қай даражада таъсир ўтказмокда? Ишу саболга Биргаланиб жавоб тонсан.

Компьютер ёшлар орасида ниҳоятда кенг оммалашган техник восита. Компьютерни ўзига дўст тутган болада илк салбий алматлар ўзини тезда намоён этмайди. Бироқ вакт ўтгани сайн фарзандингизнинг кўриш қобилияти пасайиб, овқатланиш тартиби ва уйқунинг бузилиши, қаттиқ бош оғриги ва бел оғриги безовта қилиши турган гап.

Икки-уч яшар боланинг нутқи ва хотирави компьютер таъсирида сусайди.

Мутахассислар икки ёшгача бўлган болаларни компьютерга умуман ўйлатмасликни тавсия қилишади. Чунки бола организмининг жисмоний ва руҳий жиҳатдан жадал ривожланиши айнан шу даврга тўғри келади. Бу ёшда унинг вазни ҳар ойда 200-250 граммдан ошиб, бўйи бир сантиметрга чўзилади. Уч ёшлигидан бошлаб боланинг нутқи ҳам ривожланиб, бир йилда сўз бойлиги 1000-1200 та сўзга етади. Икки-уч яшар боланинг компьютер билан ошно бўлиши нутқи, хотира, ақл ва зеҳнининг ривожланишига, шубҳасиз, салбий таъсири кўрсатади.

Боз устига, соатлаб компьютер монитори қаршисида ўтириш танадаги мувозанат аъзонинг чиникишига йўл кўймайди. Ушбу аъзо эшитиш органининг ичидаги жойлашган. У вестибуляр анализатор рецепторлари (сезувчи хужайирапар)дан иборат бўлиб, турли ҳаракатларни бажарганимизда қўзғалади ҳамда тана мувознатини сақлаб туришимизга ёрдам беради. Шундай экан, мувозанат аъзоси нормал ривожланиши учун инсон болаликдан серҳаракат бўлиши, жисмонан чиникиши, кўпроқ

жисмоний машқлар бажариши лозим. Мувозанат аъзосининг яхши ривожланмаслиги оқибатида тана ҳаракати бироз тезлашиши биланоқ (масалан, тебрангандан, транспортда юрганда) бош айланиши, кўз тиниши, юрак уришининг тезлашиши, қон босимининг пасайиши, юз рангининг оқариши, кўнгил айниши, баъзан ҳатто, хушдан кетиш ҳолатлари кузатилиши мумкин.

Мувозанат аъзосини кичик ёшдан чиникириш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг

билин шуғулланиш ҳам мазкур аъзонинг соғлом бўлишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўсмир ёшлар транспортда кўлидаги телефон, планшет каби техника воситалари орқали ўйин ўйнаб ёки бирор нарсани ўқиб, расм ва видеоларни томоша қилиб кетишига кўп бора кўзимиз тушади. Ваҳоланки, бундай ҳолат кўриш гигиенаси талабларига мутлақо зиддир. Чунки транспорт воситаси доимо чайқалади. Демак, кўлингиздаги ҳар қандай восита ҳам титраб туриши



нарса ёки буюмга қараш фойдалидир.

Глобаллашув шароитида ёшларнинг ҳаёсиз видеоклип ҳамда кинофильмларни томоша қилишларини чеклаш бирмунча мушкул. Афсуски, бундан, аввало, боланинг заиф, ҳали мустаҳкамланиб ултурмаган психикаси азиат чекади. Экрандаги беҳаёлик таъсирида ўсмирларда балофат ёшининг тезлашиши кузатилмоқда. Бу жараён фан тилида «акселерация» деб юритилади. Бундай вазиятларда ота-она, бобо-бувилар ва бошқа катта ёшдаги инсонлар ўсмир ахлоқини назорат қилиб бориши даркор.

Компьютернинг бола организмига таъсири ҳақида гап борар экан, компьютер ўйинла-

организмга салбий таъсири жиҳатдан кучли шовқин тамакидан кейин иккинчи ўринда туради.

ри тўғрисида тўхталмай иложимиз йўқ. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда ер юзида эллик миллиондан ортиқ қиши компьютер ўйинларига ишқибоз. Психологлар бу ҳолат одамларнинг компьютерга тобе бўлиб қолиши, натижада, жисмоний ва руҳий саломатлигига зиён этиши ҳақида огоҳлантиришади. Зоро, ўйинпрастларнинг тахминан ярмида жиддий психологик муаммолар мавжуд.

Техника воситаларидан чиқаётган шовқиннинг ҳам организмига салбий таъсири бор. Компьютер ва телефонда


кулоқчилар орқали баланд овозда мусиқа тинглаш айниқса хавфидир. Шовқин-сурон инсонда бош оғриги, бош айланиши, уйқусизлик, қон-томир тизими ҳамда руҳий ҳолатида турли бузилишлар, жаҳлдор-

Болани бешикда тебрабиб ухлатиш мувозанат аъзосини чиникиришга ёрдам беради.

лик, хотира сусайиши каби салбий оқибатларга олиб келиши илмда исботланган. Мутахассисларнинг тахминича, инсон организмига зиёни жиҳатдан шовқин тамакидан кейин иккинчи ўринда туради. Шунингдек, 80 децибелдан баланд шовқин остида муттасил вақт ўтказиш гастрят ва ошқозон ярасини юзага келтириши ҳам факт.

Мустақил юртимида улгаяётган ёш авлод вакилларини юқори техника ва технологиялар салбий таъсиридан ҳимоя қилишда энг ишончли ўйл уларнинг онгини юксак маънавий билимлар билан озиклантириш ҳисобланади. Қачонки тенгдошимизнинг мафкураси ва эътиқоди мустаҳкам бўлса, у ўзини ҳар қандай зарарли ахборот ва техникадан асрар олади. Бу эса, аввало, оиласда маънавий мухитни юксалтириши тақозо этади.

Сабоҳат ТОШПЎЛАТОВА,
ЎЗРФА Геномика ва
биоинформатика маркази
тадқиқотчиси



энг қулай усулини халқимиз аллақачон ўйлаб топган. Бу болани бешикда тебратиб ухлатишdir. Бешикда ётган болани мувозанат аъзоси бенуқсон

80 децибелдан баланд овоз ёки шовқин гастрят ва ошқозон ярасини келтириб чиқаради.

ривожланиши амалиётда ўз тасдиғини топган. Колаверса, узок вақт компьютерда ўйин ўйнашдан кўра, велосипедда, турли айланувчи арғимчоқларда учиш, рақсга тушиб, сузиш, югуриш, сакраш, гимнастика машқлари ва умуман, спорт

аниқ. Бу эса ўз навбатида, кўз гавҳари шаклининг узлуксиз ўзгариб туришига сабаб бўлади ва кўзни толқитириб, хираданини қолишига олиб келади.

Компьютердердан фойдаланганда ёруғлик чап томондан тушиб туриши, кўз билан монитор орасидаги масофа ўта яқин бўлмаслиги, телевизордан камидаги икки метр узоқда ўтириш ҳам мухим талаблардан ҳисобланади. Узоқ вақт компьютер монитори ёки телевизорга тикилиб туриш кўриш қобилиятини сўзсиз пасайтиради. Шунинг учун ҳар ўн беш дақиқада кўзга шунча вақт танаффус беринг, деразадан узоқдаги

матлар ва мавжуд камчиликлар кўрсатилди. Сўнгра сўз олган Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси раиси ўринбосари Ким Нам Сок Ягона портall «Call-center» ҳақида тушунчалар берди.

— Интернетдан фойдаланмайдиганлар учун «Call-center», яъни маълумотлар хизматини ташкил этганимиз. Бунда юртдошларимиз 8-800-200-18-18 телефон рақами орқали қўнғироқ қилиб, ўз ариза, таклиф ва шикоятларини давлат органларига йўллайди, — дейди Ким Нам Сок. — Бир йил ичидаги хизмат орқали давлат органларига 7630 та қўнғироқ бўлди. Яқинда ушбу телефон рақамиларини қисқа — 1060 га ўзгартирдик. Бу саъи-ҳаракатларнинг барчаси аҳоли эҳтиёжларини кондириш ва уларга тезкор, ишончли, сифатли электрон хизматларни жорий этишидир.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбари

my.gov.uz

— ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Давлат органлари бирор масалада мурожаат қилимоқчисиз. Биометрик паспорт олмоқчисиз, тегиши жойга боришга вақтингиз бўлмаяпти. Устига-устак, меҳнат стажингиз тўғрисида архив маълумотларини тезроқ олишингиз керак...

Ишлар қалашиб ётганда, қанийди, шундай бир хизмат тури бўлса-ю, ҳамма юмушим бирданига тез, осон ҳал бўлса, деган истак хаёлдан ўтади. Ким билади, кимдир билмайди, аммо ҳозир мамлакатимизда мана шундай интерактив хизматларни ўзида жо қилган ягона портал — my.gov.uz бор.

Бугун ягона интерактив давлат хизматлари портали — my.gov.uz нинг ташкил этилганига бир йил бўлди. Шу муносабат билан пойтхатимиздаги Алоқа тарихи музейида «Аҳоли ва давлат органлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашада Ягона порталнинг ўрни» мавзуидага матбуот анжуманида.

Унда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси раиси

Шерзод Шерматов сўз олиб, порталнинг бугунги фаолиятига тўхталди.

— my.gov.uz сайтига 20071 та мурожаат келиб тушди, — дейди у. — Улар тегишили давлат органларига жўнатилди ва кўриб чиқилди. Мурожаатлардан 85 фоизига ваколатли органлар томонидан ўз вақтида жавоблар йўлланди. Ишона-мизки, Ягона порталдаги бу интерактив хизматлар янада такомиллашиб, келгусида у аҳоли ва давлат органлари ўртасидаги сифатли, самарали Ягона электрон восита бўлиб хизмат қилаверади.

Матбуот анжуманида Республика «Uzinfocom» маркази директорининг биринчи ўринбосари Файратхўжа Саидалиев Ягона портал бўйича ўз тақдимотини намойиш этди. Тақдимотда порталнинг имкониятлари, ундаги интерактив хиз-

«Бұхоро» темирийл өкзәлида «Ёшлик оламига хүн келибсиз!» деб ёзилған салынии битик фестивалға келған ҳар бир күнгілга яхши кайфият, яшарин құвонч түйгүларни солғы. Қалдың қайнок, юраги юртни яшнапши, дүнёдік орынның ишкі билан ёнаётған келажагимиз ворислашын мазнан разбатлантиришига қаратаған мазкур фестиваль иш лақзалағыдан оқ, күхна заминга яңгыча нағас олиб киғы. Ызига хос ёшлар дайралыда ишм үйкүлары сары талпинган, оғзумаксақи ішкіләйтін үкүвін ва талаба-ёшлар ҳамда жамиятта үз фаоллигини оширишига қаратақ қылаётған үшін маган иигит-қызылар фестиваль лойихалари атқорғыза бірлесмә.

ЁШЛАР ДОИМО ОЛДИНДА!

— Ёшларнинг маънавий уйғоқлиги миллиятни ғафлатдан асрайди. Ваходланки, ана шу фестивалнинг ўзиәк ёшларни Ватан келажагига яна ҳам теран нигоҳ ташлашга ундаётір. Ёшлар онги ва тафаккурини, қалбиди оммавий таҳдидлар хуружидан ҳимоялаш, уларни мустақил фикрлар руҳида тарбиялашын қаратаған «Оммавий маданият» ва ёшлар маънавияти, уларнинг жамиятда ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ўз ҳуқуқларини тұла англаб етишларига күмаклашадын «Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий йұналиш», «Одам савдоидан ёшларни асраш — куннинг дол зарб масаласи», «Ёшлар ўртасида эрта никоҳ ва унинг олдини олиш масалалари» каби бир қатор лойихалар борки, улар ёшларнинг жамият ва ҳаётда учрайдиган турли қийинчилик ва муаммоларини бартараф этишларыда қандай қаратақ қилишлари лозимлигини тушунтиради. Ушбу фестиваль ана шу жиҳати билан алоҳида ажралиб туради, — дейди Ҳаракатнинг Бухоро вилояти кенгаши раиси Жамол Носиров.

Дарҳақат, Қорақұл, Фиждуон ва Бухоро туманларыда ўтган «Депутат ва ёшлар» лойихасида ҳам ёшлар ўзларини жамиятнинг олдинги сафларыда юришларини исбот этишиди. Сенатор ва депутатлар иштирокида ташкил этилған мазкур лойихада ёшларнинг бүш вақтларини мазмунлы ўтказышларини таъминлаш, уларни қайнаётған айрим муаммоларга эътибор қартилиши лозимлиги таъкидланды. Айниқса, Вобкент иқтисодиёт коллежида бўлиб ўтган «Хоким ва ёшлар» учрашуви кўпчиликнинг эътиборини тортиди.

— Юртимиз эгалари бўлган ёш авладни ҳар жиҳатдан кўллаб-куватлаш, уларни қийнаётған ва ташвишлантираётған масалаларга кулоқ тутиш, асосийи, ёшлар муаммоларини ҳал қилишга киришиш, эътибор кўрсатиш шарафли бурч, — дейди фестивалда қатнашган Үзбекистонда хизмат кўрсатган артист Собиржон Мўминов. «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз!»

ШУ ЮРТГА МУНОСИБ ФАРЗАНД БЎЛАЙЛИК!



loyihasasi Buxoro tumaniida «Ёш пахтакор» оромгоҳи, Коровулбозор туманида «Гўзал» соғломлаштириш мажмуаси ҳамда Олот tumaniida спорт масканларида ўтказилди. Unda ёш спортчилар таниқли спорт усталари ва юртимиз шарафини дунёга таратган чемпионлар билан учрашишdi.

«Президент асрлари билимдони» лойихаси доирасида бўлиб ўтган семинар-тренинглар юртимиз эртаси нинг чинакам эгаларини камол топтирища муҳим ўрин тутди. Мазкур лойихада ўз билими ва иқтидори билан тенгқурларига ўрнак бўлган ёшлар кўпчиликни ташкил этди. Фестиваль доирасида ўтказилган «Иқтидор эгаси — обод юрт эртаси», «Ватан тараққиётiga менинг ҳиссам», «Камолот» кутубхонаси», «Интернет ва ёшлар» лойихалари ҳам иигит-қизларнинг иқтидор ва маҳоратини илму фан, маданияту санъат йўналишларидан синовдан ўтказди.

Албатта, ёшлигидан илм-фанга муҳаббат кўйган, китобга ошно тутинган киши қалби ҳамиша меҳр-оқибат ва яхшиликка тўлиқ бўлади. Фестиваль дастуридан ўрин олган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» лойихаси ҳам меҳрга ташна қалбларга ирова, шу Ватандан фаҳраниш туйғусини ўстиришда ҳисса кўшди.

«ВИЖДОНЛИ СОТУВЧИ»

Мазкур фестиваль «Виждонли сотувчи» лойихаси билан ҳам ёшларни қизиқтириб келган. Сотувчилар учун «сюрприз» вазифасини ўтовчи ушбу лойиха Buxoro шаҳри, Romitan ва Fijduon tumanlariida ҳам бўлиб ўтди.

Fijduon tumani марказий бозорида жойлашган айрим дўконлардаги ҳолатлар «Виждонли сотувчи» лойихаси ташабbuskorlariini ancha yillantiriib kuydi.

— Bugungi kun iigit-qiylari ёshlik zavku shijoati bilan yangiliklaraga intiliib, soғom muhitga talpinib yashamoqda. Bu barcamiyini қувонтиради. Ulardagi isteъododu maҳoratdan xairatlanasiz. Biroq ёshlar orasida soғom turmush tarzini tula anglab etmaётganlar ham bor. Bunda, albatta, katthalarning ҳam

таъсири яхигина сезилади, — дейди Үзбекистонда хизмат кўрсатган артист Lola Элтоева. — Айрим дўкондорларнинг ўз ишларига совуқонлик билан қарашлари биз учун ажабнарли эмасу, аммо ёқимсиз ҳолатлар устида уларнинг дўконига «юлдузларнинг «солиқчи» тимсолидаги ташрифлари улар учун ҳайратланарли бўлди. Биз ўзимиз борган дўкондагиларнинг барини «Виждонли сотувчи» акцияси ғолиблари бўлишларини жуда-жуда истаган эдик...

Ёшлар фестивалинига ҳар бир лойихаси иигит-қизлар тақдиди ва яшаш тарзига янада гўзаллик, завқ бағишилади. Муҳими, юртга керак эканликларини чин дилдан ҳис қилишиди. Шунинг ўзи баҳт.

Моҳигул Турсунова, «Камолот» фаоли:

— Ёшлар фестивали билар учун катта совға бўлди. «Сиз кутган қаҳрамонлар» ва «Замонамиз қаҳрамонлари» лойихалари доирасида ўтказилган ижодий учрашувларнинг қарийб барчасида иштирок этишга улгурдим. Жондор tumaniда яшасам-да, вилоятning энг чекка tumani — Olotda ўтказилган учрашувларда ҳам қатнашдим. Элимиз сийган санъаткорлар Lola Элтоева, Adiz Rakhobov, Shoirra Otabekova ҳамда Dilshod Rakhob, Fararat Makhid, Ozoda Bekmurodova каби ижодкорлар билан юзма-юз кўришиб, сухбатда бўлдим. Китобга, шеъриятга ошнолигим мени улар томонга янада яқинроқ боришига унади. Фестивалнинг шунчаки томошабини бўлиб қолмай, балки унинг иштирокчисига ҳам айландим. Шеърларимдан ўқиб бердим. Мени тинглашганда кўнглим тоғдек кўтарилиди.

Эл сийган қаҳрамонлар ва қалам аҳли билан бўлган ижодий учрашувлар вилоятning эллика яқин масканларида ташкил этилди.

РАҒБАТ

— Инсон улгайгани сайин босиб ўтган йўлини сархисоб қилишга мойилроқ бўлиб борар экан. Эҳ-хе, биз тенгилар не-не машакқатларни бошдан кечирмади. У кунларнинг ёмон туш каби ортда қолгани рост бўлсин!

Юртимизга, ёшларимизга, яхши кунларимизга кўз тегмасин, — дейди шоир Тошпўлат Аҳмедов.

Албатта, ана шундай оташқалб, фидойи ёшлар эътиборга, рағбатга муносиб. Зоро, ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-куватлаш, рағбатлантириш, ўз истеъодод ва маҳоратларини оширишда елқадош бўлиш «Камолот»га хос. Ёшлар ташкилоти бу гал ҳам шу анъанани муносиб давом эттириди. Фестивалда фаол иштирок этган ташабbuskor, интилувчан, билимда пешқадам иигит-қизлар муносиб тақдирланди.

Вилоят Musiқali drama teatri мусиқа оператори Юрий Исмагилов «Ҳаракатнинг энг фаол аъзоси», Ҳаракатнинг Пешку tumani кенгashi раиси Жўрабек Умидов «Энг яхши ҳуқуқ тарбиботчиси», вилоят тадбирлари ижодий гурӯҳи етакчи раҳбари Аброр Ортиков «Энг яхши маънавият тарбиботчиси», Buxoro шаҳридаги 4-академик лицей ўқувчиси Рушана Набиева «Энг фаол жамоатчи мухбир», Ҳаракатнинг вилоят кенгashi ходими Ҳасан Абдулхусейнов «Энг яхши соғлом турмуш тарзи тарбиботчиси», Шерзод Холиков «Энг фаол Ҳаракат ходими», Шофиркон tumani ҳокими Идебой Жўраев «Ёшлар билан ишлашда энг фаол туман хокими», Buxoro solik коллеки бошланғич ташкилоти етакчи Лазиз Бозоров «Энг намунали тарбибот етакчиси», Ҳаракатнинг Fijduon tumani кенгashi раиси Голиб Баротов «Энг фаол туман кенгashi раиси» номинациялари бўйича диплом ва кимматбаҳо совғаларни қабул қилишди.

Фестивалнинг қувончу ҳайратга тўла тантаналари кўнгилларни ифтихорга, фурурга тўлдириди. Мухтасар айтганда, фестиваль ёшлар юрагида Ватанга муҳаббат, ҳалқа садоқат ҳисларини ривожлантириш, миллий истиқол оғаси руҳида тарбия топишлари, ҳар томонлама баркамол шахс ва етук кадр бўлиб етишишларида кўмаклашиш, уларнинг иқтидор ва истеъододи, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда, фикр алмашиш, соғлом ижодий муҳитни яратишида муҳим аҳамият касб этди.

Лайло ҲАЙТОВА,
«Turkiston» мухбiri

Bolalar sporti

Марям Раҳимова эндиғина ўн ёшга түлди. У Хонқа туманидаги 20-мактабнинг тұртқынчи синфини тұратди. Тенгдошларига ўқишида ҳамиша ўрнак Марям спортта яхши натижаларга әришмоқда.

СПОРТ ЯХШИ ФАЗИЛАТЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

— дейди ёш спортчи қызниң онаси

— Иккى ийлі олдин мактабда ташкил этилган карате түгарағига аяз бўлиб келганида қизим ҳали кичкина деб ўйлаб жуда хавотирланғандим, — дейди Марямнинг онаси Дилдора опа. — Дарсдан кейин уйга юградиган қиз энди машгулолтарда жиддий шуғулана бошлади. Қиз боласан, спорт билан шуғулланғандан кўра, бирор ҳунар ўргансанг бўлмайди, дея уни шаштидан қайтармоқч ҳам бўлгандим. Қизим қарорида қатъий туриб олди. Унинг тиришқоқлиги ва қатъиятини кўриб, шуғулланишига қарши бўлмадим. Ўқишиларига ҳам улгуратганини кўриб суюндим. Спорт инсонни иродали, қатъиятли бўлиб улғайишига кўмаклашишига шубҳам қолмади. Бундан ташқари, унинг тетиклиги, ўзига бўлган ишончининг ортиб бораётганидан хурсандман.

Кичкина жуссаси, абжирлигини кўрган киши спортчи қызниң шиҳоатига қойил қолади. Ўқишидан кейин машгулолтарда шуғуланаётган қизлар бекорчиликдан эмас, балки жиддий мақсадлар билан тўғаракка қатнашмоқда.

Марям Раҳимова қиска фурсатда, яъни иккى ийл ичиди юқори натижаларга әришди. Ўз устида астойдил ишләётган қиз каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионатида биринчи ўринни, кумите баҳсларида учинчи ўринни кўлга киритди.

— Марям ёш бўлса-да, масъулиятли қиз, — деди устози Алишер Курбонов. — Болаларга ўхшаб ўйинқароқлик қилмайди. Ўз устида кунт билан ишлайди. Келажакда Марям спортда катта муваффақиятларга әришишига ишонаман. Бу борада унинг интилувчанлиги, меҳнатсеварлиги орзулирага қанот бўлади.

**Муҳаббат САПАЕВА,
Хоразм вилояти**

ҲОФИЗ ХОТИРАСИ БАРҲАЁТ

Қўшиқ инсоннинг қалб торларини чертувчи, ботиний туйғуларига таъсир этиши қудратига эга бўлган санъат турларидан биридир. Ўзбек қўшиқчилигининг тарихи қадимийликда Миср эҳромларидан қолишимайди. Бу факт тадқиқотчи олимларнинг изланишилари натижасида вужудга келган. Юртимиз сарҳадларидан топилган археологик ашёларда — гор ва қоятош суратлари, солномаю миниатюраларда акс этган қўшиқчиллик санъатининг ilk куртаклари фикримизни исботлайди.

Ўзбекистон ҳалқ артисти Абдуҳошим Исмоилов: «Ўзбек санъаткори исталган бир ҳалқнинг (у хоҳ ҳиндү олмон, хоҳ чинлигу фаранг бўладими) миллий қўшиқларини маромига етказиб ижро эта олади. Лекин бирорта ҳам миллат вакили

ўзбек ҳалқ қўшиқларини қиёмага етказиб ижро эта олмайди» деб бежиз айтмади. Дарҳақиқат, ўзига хос муракабликларга эга бўлган ўзбек қўшиқлари савия ва залвори жиҳатдан ҳам юксак погонада туради.

Хожи Абдулазиз Абдурасу-

лов, Ж.Султонов, М.Узоқов, Т.Тошмуҳаммедов, Ю.Ражабий, ака-ука Шожалиловлар, Сўфихоновлар, К.Отаниёзов — буларнинг бари ўзбек мумтоз мусиқасининг ривожига улкан ҳисса кўшган санъат соҳиблари ҳисобланади. Юқорида номлари зикр этилган ана шундай устозлар қатрига Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи Орифхон Хотамовни ҳам ҳеч иккиленишсиз киритишимиз мумкин.

Яқинда пойтактимиздагиFafur Fулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган «Барҳаёт сиймалар» туркумидан «Беназир устоз ёди» деб номланган адабий-музыкий хотира анжумани устоз Орифхон Хотамовнинг ҳаёт йўли ва ижодига бағишланди.

Мазкур тадбирда мусиқашунос олимлар, соҳа мутахассислари, О.Хотамовнинг шогирдларидан Ўзбекистон ҳалқ ҳофизлари Набижон Иброҳимов, Маҳмуджон Тоҷибоев, Бекназар Дўстмуродов, Маҳмуджон Йўлдошев, Ҳасан Ражабий, ака-ука Ваҳобовлар, Эркин Рўзиматов, Ўзбекистон ҳалқ артисти Матлуба Дадабоева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Икромжон Бўронов, Насиба Сатторова, Абдулла Шомағрупов, устознинг фарзандлари ва бир қатор ихлосмандлари Орифхон Хотамов ҳақидаги хотира ва қўшиқлари билан иштирок этди.

Анжумани санъатшунослик фанлари номзоди, профессор Сойибжон Бегматов

Tashabbus

ЮРТНИНГ УМИД НИҲОЛЛАРИ

Қарши шаҳридаги амфитеатр мажмуасида «Биз Ватан фарзандлари — умид ниҳолларимиз» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигидан ўтказилган фестиваль доирасида «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларида иштирок этган ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тақдирлаши маросими ҳам бўлиб ўтди.

Ёшларни тинчлик, огоҳлик, Ватан учун фидойилик ва ташаббускорликка ундовчи турли тарғибот воситалари ва паннолар билан байрамона безатилган амфитеатр вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан келган фаол ва иқтидорли ёшлар билан тўлибтошиди. Фестивалда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий жараёнларга бўлган муносабатларини шакллантириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, турли ёт гоялар-

дан асраш, шунингдек, халқимиз, миллатимиз, миллий қадриятларимизга хурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш каби улуғ мақсадлар билан бир қаторда мустақил юртимизда ёшларга яратиб берилаётган имконият ва шароитларни кенг тарғиб этиш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдалана олиш масъулияти уларнинг зиммасида эканлигини турли бадиий чиқишлиар орқали сингдиришга алоҳида ётибор қаратилди.

— Бундай фестиваллар ижодий юксалишимга



қанот бўлади, янги куч, ғайрат, илҳом оламан. Яқинда «Юрт келажаги» иқтидорли ёшлар танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлдим. Бу ҳам эл-юрт олдиди яратилган имконият ва шароитлардан унумли фойдаланиб, янада кўпроқ ўқиб-излашига, янги марраларни забт этишга ундейди, — дейди Қарши шаҳридаги 5-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Настарин Зарипова.

Ёшлар фестивалининг байрам концертида «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, вилоятнинг таннихи хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар, театрлаштирилган саҳна томошалари ҳамда «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши қошида ташкил этилган «Ўзбеким беклари» қувноқлар ва зуқколар жамоасининг чиқишлиари ёшларни яна бир бор бирдамликка унди.

**Баҳодир ЮСУПОВ,
Қашқадарё вилояти**



олиб борди. Ҳофизлар томонидан, асосан, устоз Орифхон Хотамов ижодига мансуб бўлган мумтоз қўшиқлар ижро этилди.

— Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, халқимизнинг олтин меросларидан бири бўлган мақом санъатини, анъанавий ашуаларни ёшларга сингдириш ва ушбу йўналишда узоқ йиллардан бери фаолият кўрсатган устоз санъаткорнинг ҳаёти ва ижод йўли ҳақида маълумот беришдан иборат, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ўткирбек Тоҳиров.

Тадбирга ташриф буюрган санъаткорларнинг чиқиши томошабинларга манзур бўлди. Ижро этилган қўшиқларнинг соҳири жаранги боғда саир қилиб юрганларнинг ҳам кўнглини хушнуд қилган бўлса, ажаб эмас.

**Алибек ОМОНТУРДИЕВ,
«Turkiston» мухбири**

Kasb-hunar kollejlarida

БИТИРУВЧИЛАР ИШ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАМОҚДА

Чиноз қурилиши ва иқтисодиёт касб-хунар колледжининг 615 ўринга мўлжалланган замонавий ўқув биноси қурилиб, фойдаланишига топширилиши мазкур даргоҳда ўқувчиларнинг тўлақонли билим ва ҳунар эгаллашлари учун яхши имкон бўлди.

Жорий ўқув йилида колледжни таомолаган 405 нафар ўғил-қиззининг деярли барчаси ўзлари амалиёт ўтаган корхона ва ташкилотлар билан учтомонлама шартномалар тузишга эришганлиги куонарли.

— Битирувчиларнинг ўн беш нафари айни вақтда «Ипотека банк» ва «Агробанк»нинг Чиноз туман филиалларига мурожаат қилиб, имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлди, — дейди колледжнинг касбий таълим бўйича директор ўринбосари Зоир Исматуллаев.

— Айниқса, қизларнинг бу йўналишдаги фаоллиги эътиборли.

Дарвоқе, колледжнинг фаол битирувчилари орасида ҳозирданоқ туман хунармандлар уюшмасига аззо бўлиб, касаначилик билан шуғулланишига астойдил бел боғлаганлар ҳам бор. Улар «Ипотека банк»дан имтиёзли кредит олиш арафасида.

Молия йўналиши битирувчиси Лазиз Йўлчибоев ва менежмент йўналиши битирувчиси Ҳусан Мирзаалиев ўз бизнес-режаларини тақдим этиб, «Агробанк» туман филиалидан ҳар бири 5 миллион сўмдан имтиёзли кредит олишиди.

Колледждаги 37 та фан ва спорт тўгараклари фаолияти мақтовга ло-



йик. Иқтидорли болалар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган, улар фан олимпиадалари, турли танловларда муваффақиятли иштирок этиб келишяпти.

Иқтисод фани ёш ва изланувчан ўқитувчиси Маъмуржон Абдусаҳатов «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловида фаол қатнашиб кўпчиликнинг эътиборини қозонди.

Колледжа «Соғлом бола йили» муносабати билан ҳамда битирувчи қизларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида турли тадбирлар тез-тез

үтказилади. Корхона ва ташкилотлар, республика «Хунарманд» уюшмасидан мутасадди вакиллар ташриф буюриб, тадбиркорлик фаолиятига оид маслаҳатлари ва йўл-йўриклари билан ўртоқлашмоқда.

Умуман олганда, касб-хунар колледжининг бугунги қайноқ ҳаёти иқтидорли ёшларни ҳар томонлама камол топтиришга, уларни меҳнатсевар ва касб-корли бўлиб етишишларига қаратилган.

**Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири**

Yosh tadbirkor — yurtga madadkor

ОИЛАВИЙ КОРХОНА

замонавий либослар ишлаб чиқармоқда

Карши шахридағи «Junior

Tex» оиласи корхонаси тикувчилик цехида болалар учун спорт либослари ишлаб чиқарилмоқда. Ёш тадбиркор Абдулазиз Абдиев раҳбарлик қилаётган бу оиласи корхонада буғунги кунда тўрт киши иш билан таъминланган бўлиб, улар томонидан бежирим ва чироили кийим-кечаклар тайёрланмоқда. Оиласи корхонада ишлаб чиқарилётган маҳсулотлар шартнома асосида савдо шохобчаларига етказиб берилажати.



Абдулазиз интилевчан йигит. Ўзи амалга ошираётган ишлардан сира қониқмайди. Янги-янгиоялар устида бош котиради. У «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қарши шахар кенгаши томонидан эълон қилинган «Ёш тадбиркор — юрга мададкор» кўриктанловида ўзининг тикувчилик цехини ташкил этиш бўйича бизнес-режаси билан иштирок этди. Унинг лойиҳаси танловда голиб чиқди ва «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Қарши шахар филиали оиласи корхонага 15 миллион сўм микдорида имтиёзли кредит аж-

ратди. Танлов шартларига кўра, мазкур кредитнинг фоизини «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгashi тўлаб беради.

— Танловда голиб чиқсан, Қарши шахрида тикувчилик цехи очаман, деб ният қилгандим. Лойиҳам банк экспертилари томонидан молиялаштиришга тақдим этилганидан жуда мамнумман. Муҳими шундаки, ўзимга бўлган ишонч янада ошди. Ажратилган кредит маблағини тикув машиналари ва хомашё сотиб олишга сарф қилиб, хорижда ишлаб чиқарилган тўққизта тикув ва бошқа функцияларни бажарадиган замонавий машина ҳамда хомашёга эга бўлдим. Ускуналарни ўрнатиб, иш бошла-

дик. Корхонамизда оила аъзоларимиз меҳнат қилмоқда. Асосан, болалар ва ўсмирлар талабига мос кийим-кечаклар тикишга ҳаракат қилајамиз. Ҳозирча цехимизда болалар спорт либослари тайёрланадиган бўлса, кейинчалик маҳсулот турини кўпайтириб, ранг-баранг либослар ишлаб чиқарамиз.

Бугун ёш тадбиркор мўъжазгина цех, тикув машиналари ва шартнома асосида ишлаб чиқарилган бу ўтказиларига эга бўлса-да, корхонани янада кенгайтириш, маҳсулот турини кўпайтириш бўйича изланишдан тўхтагани йўқ.

**Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» мухбири.
С.Нарзиев олган сурат.**



Буюк япон девори

Японияда цunamiлардан ҳимояниш учун 370 километрга яқин бетон деворлар қурилади. Девор «буюк япон девори» номи билан аталиб, дунёдаги энг катта ва узун девор бўлиши кутилоқда.

Уни куриш учун таҳминан 8,5 миллиард АҚШ доллари сарф этилади. Маълумотларга караганда, биринчи бўлиб бундай деворлар Фукусима, Миаги ва Иватэ префектураларида қурилиши маълум қилинган. Ҳукуматнинг бундай режасига аҳоли орасида қарши чиқсанлар ҳам топилди. Япон фуқароларининг фикрича, ҳеч қандай девор цunamiдан ҳимоя қила олмайди. Бундай катта лойиха, фатватни солиқларнинг ошишига олиб келади.

Электр самолёти парвози

Франциянинг «Airbus» компаниясига тегишили бўлган «E-Fan» электр самолёти ўзининг илк парвозини амалга оширеди.

Самолёт Париждан 23 километр масофа узоқлиқдаги Туссу-ле-Нобл шаҳарчасидан парвоз килди ва қўшни шаҳарчага кўнди. Электр самолёт винтларини аккумулятор батареялардан куч оладиган электр моторлар айлантиради. Самолёт атроф-муҳитга зарар етказмайди. Янги «Airbus» электр самолёти кабинасида икки киши учун жой бор. Унинг узунлиги 6,7 метр, қанотлари эса 9,5 метр. Унда учишини истаганлар икки евро сарф этади. «E-Fan» учувчиларни ўқитиш ва спорт учувчиларини тайёрлаш учун мўлжалланган.

Нафасдан қувват олади

Бугунги кунда қуёш батареялари ва шамол трубиналаридан электр энергияси олишда кенг қўлланилади.

Европа олимлари электр энергиясини эндилиқда инсон нафасидан олишни ҳам қашф этдилар. Бунда тақилган махсус «AIRE» ниқоби мобил ва шу каби кичик қурилмаларни электр билан қувватлантириш учун мўлжалланган.

«AIRE» ниқобида кичик шамол трубинаси ўрнатилган бўлиб, ҳар нафас олиб-чиқарганимизда электр энергияси ҳосил бўлади. Қурилмадан фойдаланиш учун уни юзга тақиш ва унга телефонни улаш кифоя. Мутахассислар янги қашфиётнинг инсон саломатлигига ҳеч қандай зиёни йўқлигини айтишиди.

Суратга олиш ҳам касаллик

Дунё тиббиёт олимлари «Селфи» (уяли телефонда ўз-ўзини суратга олиш)га ишқибозликни янги касаллик таснифи деб атаб, беморларни руҳий касаллар деб эътироф этди.

Психиатрларнинг фикрича, бундай беморлар ўзига бўлган ҳурмат ўрнини тўлдириш учун доимий равишда ўзини суратга тушириб, суратларни ижтимоий тармоқларга жойлаш истаги билан яшайдилар. Шунингдек, касаллик уч дарражада бўлиб, биринчисида киши бир кунда ўзини камидан уч марта суратга туширади, бироқ ижтимоий тармоқларга жойламайди. Иккинчиси — ўтқир дарражада хасталанган одам ўзини бир кунда камидан уч марта суратга олиб, ижтимоий тармоқларга кўяди. Учинчиси — оғир кўриниш бўлиб, фойдаланувчи ўзини тун-кун «селфи»га олади ва бир кунда ўртча олти марта интернетдаги саҳифасига жойлади. Ҳозирча, янги касалликка даво топилгани йўқ.

**Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

